

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**УМУРЗОҚОВ ДИЛМУРОД ХОЛМУРОДОВИЧ**

**МИЛЛИЙ МАНСУБЛИКНИНГ ЭТНОПСИХОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**  
(турли миллат вакилларининг илк ўспиринлари мисолида)

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферат мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Philosophy (PhD) on  
Psychological Sciences**

**Умурзоқов Дилмурод Холмуродович**

Миллий мансубликнинг этнопсихологик хусусиятлари (турли миллат вакилларининг илк ўспиринлари мисолида) ..... 3

**Умурзаков Дилмурод Холмуродович**

Этнопсихологические особенности национальной принадлежности (на примере представителей подросткового поколения различных национальностей).. 23

**Umurzakov Dilmurod Kholmuradovich**

Ethnopsychological features of national identity (on the example of early young men from different nationalities) ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications..... 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**УМУРЗОҚОВ ДИЛМУРОД ХОЛМУРОДОВИЧ**

**МИЛЛИЙ МАНСУБЛИКНИНГ ЭТНОПСИХОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**  
(турли миллат вакилларининг илк ўспиринлари мисолида)

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНАЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/P98 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik@.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримова Васи́ла Маманосировна**  
психология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қодиров Умарали Дўстқобилович**  
психология фанлари доктори, доцент

**Умарова Навбахор Шокировна**  
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли рестер баённомаси)

**Ф.А.Акрамова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
психол.ф.д., доцент

**Н.Б.Атабаева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, психология фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**З.Т.Нишоновна**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, психол.ф.д., проф

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда халқаро муносабатлар тобора глобаллашиб борар экан, халқаро туризм, кросс-маданий муносабатлар ва ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари кенгайиб бормоқда<sup>1</sup>. Глобаллашув умумий кадриятлар ва тажрибалар алмашинуви жараёнида янги ижтимоий-психологик тадқиқотлар объектини кенгайтиради. Ўзининг миллий ва ижтимоий мансублигига, миллий ўзлигини англашга бўлган қизиқиш ва уни тадқиқ қилиш XX асрнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб миллат ривожланишининг асосий қирраларидан бири сифатида ижтимоий-психологик тадқиқотлар марказида турибди. Бу борада этнопсихологик ва кросс-маданий тадқиқотларни тўғри ташкил этиш, этнопсихологик муаммоларни аниқлаш, психодиагностик тадқиқотларни ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда ёшларда миллий мансубликнинг шаклланиши даражасини тадқиқ этиш, миллий анъаналар, миллий урф-одат, расм-русумлар, мерослар (диний, дунёвий), миллий қиёфа, менталитет, миллий туйғу, характер, миллий таъбни аниқлаш ҳамда ижтимоий-психологик ҳолатини тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятли муаммолар сифатида қаралиб, муайян даражада илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ёшларда миллий мансубликнинг таянчи бўлган ўзини ўзи англаш асосида ётувчи миллий руҳиятни шаклланиши даражаси, миллий руҳиятни кўтаришда умуминсоний ва миллий кадриятларнинг роли ҳамда уларга нисбатан ёшларнинг муносабатини аниқлаштиришга оид муаммоларни илмий тадқиқ этиш долзарб муаммолардандир.

Республикамизда сўнгги йилларда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланиб, зарур ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди: «Бугунги кунда ёшларни ўз Ватанини ҳурмат қилиш, севиш ва у билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда миллий мустақилликни, халқнинг кадриятлари, анъаналари ва урф-одатларини асраш ва ҳимоя қилиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланиб, ушбу тизимни кенгайтириш борасидаги ишлар янги сифат босқичига кўтарилди»<sup>2</sup>. Мазкур вазифа ижроси миллий мансубликнинг этнопсихологик хусусиятларининг шаклланишида ижтимоий-психологик хусусиятларни тадқиқ этишда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони, 2018 йил 6 февралдаги «Кириш туризмни

---

<sup>1</sup> Shaw, Martin (2000). *Global Society and International Relations: Sociological Concepts and Political Perspectives*. Cambridge: Polity Press.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон. Б.53.

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3509-сонли Қарори, 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3907-сонли Қарорларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз олимларидан Б.Ботиров, В.М.Каримова, М.М.Маматов, С.А.Отамуратов, С.С.Отамуратов, Н.С.Сафаевлар томонидан миллий ўзликни англаш жараёнининг ижтимоий-психологик жиҳатлари, А.А.Абдуразақов, Ф.Р.Абдурахмонов, А.С.Ачилдиев, Ж.Баҳранов, М.Б.Бекмуродов, Ф.Исмоилов, Б.Сапаров, Ж.Туленов, И.Р.Хўжамуродов, З.Ғофуровлар томонидан миллий ғоя ва ўзликни англашнинг ўзига хослиги илмий тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари олимларидан А.Г.Асмолов, Л.В.Выготский, В.П.Зинченко, В.С.Крысько, Н.М.Лебедева, Д.А.Леонтьев, А.Р.Лурия, С.В.Лурье, Ю.П.Платонов, Э.А.Саракуев, Т.Г.Стефаненко, В.Ю.Хотинец, Г.Г.Шпет ва бошқалар томонидан миллий мансублик ҳақидаги тасаввурлар, этник ўзини ўзи англаш масалалари илмий тадқиқ этилган.

Хориж олимларидан Atkinson D.R., Morten G., Sue D.W., Cross W., Erikson T.H., Hall W.S., Cross W.E., Freedle R., Phinney J.S., Kohatsu E.L., Tajfel H., Turner J.C., A.Touraine ва бошқалар томонидан ўзини ўзи англаш концепцияси, тарихийлик, тараққиётга оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги:** Диссертацион илмий-тадқиқот иши Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170923121 рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** турли миллат вакиллари бўлган илк ўспиринларда миллий мансубликнинг ижтимоий психологик ва этнопсихологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

илк ўспиринларининг ижтимоий тасаввурларида миллий мансубликнинг ўз миллатига хос фазилат ва устивор сифатлар билан боғлиқлиги даражаларини тадқиқ қилиш;

илк ўспиринлар ижтимоий тасаввурларида миллий мансубликнинг турли миллат вакилларидаги шахслилик сифатларига алоқадорлигини эмпирик жиҳатдан ўрганиш;

илк ўспиринларда миллий мансубликни ифодаловчи сифатларнинг шахслараро муносабатларда ифодаланувчи ижтимоий роллар тақсимоотида акс этишини исботлаш;

илк ўспиринлар тасавурида миллий мансубликнинг миллий-маданий рамзларда ифодаланишининг ижтимоий психологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида миллий мансубликнинг этнопсихологик хусусиятлари намоён бўлиш жараёни бўлиб, Самарқанд шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларининг турли ўзбек, тожик, рус миллатига мансуб 260 нафар илк ўспиринлик давридаги ёшлар ўрганилди.

**Тадқиқотнинг предмети** илк ўспиринлик давридаги ёшлар тасаввурларида миллий мансубликнинг этнопсихологик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда турли миллат вакиллариининг илк ўспиринлари тасавурида миллий мансубликнинг ижтимоий психологик, этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида Т.В.Иванова «Проектив расмлар» методикаси; В.Ф.Петренкоинг «Семантик дифференциал» тести; М.Кун ва Т.Макпартлендларнинг «Мен Кимман?» проектив тести; Л.Я.Гозман, М.В.Кроз, М.В.Латинскаяларнинг «Шахснинг ўзини ўзи камол топтиришни баҳолаш» сўровномалари қўлланилди. Олинган натижаларни қайта ишлаш учун математик статистик методларидан Стъудентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг корреляцион таҳлилидан ва таҳлил усуллариининг компьютер учун дастурлаштирилган SPSS дастуридан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк ўспиринлардаги ўз-ўзига бўлган муносабатнинг этник хусусиятлар таъсирида намоён бўлиши турли миллат вакилларида таваккалчилик, ғамхўрлик, мослашувчанлик, меҳнатсеварлик, вақтни рационал тақсимлаш, мулоҳаза юритишда аниқлик ва исботларга таянишлик, ўзаро ҳурмат, изланувчанлик, ўзгаларни тушуниш, қадриятларга йўналганлик каби шахслилик сифатларига устуворлик берганлигига асосланиб, миллий мансубликнинг дифференциал ривожланишини таъминловчи омил эканлиги исботланган;

илк ўспиринлардаги ижтимоий тасаввурларни шахс шаклланишига таъсири натижасида қадриятларларнинг миллий-маданий, фаолият, ҳиссий-иродавий компонентга мувофиқ ўзгаришига кўра, миллий мансубликни рамзий белгилар асосида баҳолаш муҳимлиги далилланган;

илк ўспиринларнинг миллий мансублигини характерлашда ўзбек, тожик, рус миллати вакиллариининг реал ва идеал «миллий Мен»и орасидаги ички зиддиятларни ижтимоий ролларнинг адаптив трансформацияси орқали уйғунлаштиришга мувофиқ, миллий тимсолларга ижтимоий роллар асосида муносабат билдириш зарур эканлиги исботланган;

илк ўспиринлардаги миллий ўзликни англаш жараёнига этник стереотипларнинг таъсири натижасида коммуникатив, иродавий, интеллектуал, эмоционал хусусиятларни терминал кадриятлар асосида семантик дифференциаллашуви туфайли миллий мансубликнинг ривожланишида гендер тафовутлар кузатилиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

турли миллат вакиллари илк ўспиринларида миллий мансубликнинг ижтимоий психологик, этнопсихологик хусусиятлари, илк ўспиринларда миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг илмий-услугий асослари ишлаб чиқилган ва миллий хусусиятларни аниқлаш методикалари тизимлиги шакллантирилган ҳамда амалиётга жорий қилинган илмий методлар орқали ўрганиш бўйича психологик тадқиқотлар амалиётга олиб кирилган;

диссертацияда қўлланилган методикалар жамланмаси ва қўлланиш тартиби кетма-кетлигидан миллий ўзликни англаш кўникмаларини ривожлантиришда психологик ёрдам тадбирларини амалга оширишга йўналган амалий ишда дастурий маҳсулот сифатида фойдаланилган;

тадқиқот натижалари асосида ёшларда миллий хусусиятларни шакллантириш ва ўз этносига хос хислатларни сингдириб боришини ташкил этишга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Диссертацион тадқиқот натижаларининг ишончилиги, аввало, тадқиқотда қатнашган синалувчиларнинг мос равишда танлаб олинганлиги, олинган амалий натижаларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги, жаҳон психологиясида тажрибалардан кўп маротаба ўтказилган тест ва сўровномалардан фойдаланилганлиги, олинган амалий натижалар назарий концептуал жиҳатдан ёритиб берилганлиги, олинган эмпирик қийматлар математик-статистиканинг ишончли усуллари, яъни Стъудентнинг  $t$ -мезони, К.Пирсоннинг корреляцион таҳлили ва таҳлил усуллариининг компьютер учун дастурлаштирилган SSPS дастури ёрдамида таҳлил қилинганлиги, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий қилинганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация жараёнида амалга оширилган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, турли миллат вакиллариининг илк ўспиринлари тасавурида миллий мансубликнинг ижтимоий психологик, этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилган назарий ҳамда амалий маълумотлар акс этган бўлиб, унда онтогенез психологияси, педагогик психология, психодиагностика, этнопсихология, ижтимоий психология каби соҳалари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Олинган натижалар мазкур тадқиқотнинг назарий асосларини такомиллашувига, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга ва умумий ўрта таълим муассасаси амалиётчи психолог фаолиятида қўллаш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, таълим-тарбия жараёнини миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда йўлга қўйилишида, ёшларда ватанпарварлик, миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларини



шакллантиришнинг самарадорлигини оширишга, тарбия жараёнида ўзбек халқига хос тимсолларга нисбатан меҳр-муҳаббатни пайдо қилишнинг илмий негизини яратишга, халқнинг маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш зарурлигини яна бир бор кўрсатиб ўтишга хизмат қилади. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялар асосида умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган психологлар, психология соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган докторант ходимлар ҳамда бошқа амалиётчи психологлар кенг фойдаланиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Илк ўспиринларда миллий мансубликнинг ижтимоий психологик, этнопсихологик омилларни аниқлаш юзасидан олинган илмий натижалар қуйидаги фаолиятларда татбиқ этилди:

илк ўспиринлардаги ўз-ўзига бўлган муносабатнинг этник хусусиятлар таъсирида намоён бўлиши турли миллат вакилларида таваккалчилик, ғамхўрлик, мослашувчанлик, меҳнатсеварлик, вақтни рационал тақсимлаш, мулоҳаза юритишда аниқлик ва исботларга таянишлик, ўзаро ҳурмат, изланувчанлик, ўзгаларни тушуниш, қадриятларга йўналганлик каби шахслик сифатларига устуворлик берганлигига асосланиб, миллий мансубликнинг дифференциал ривожланишини таъминловчи омил эканлиги исботланган илмий натижалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 2 мартдаги ПМ-3-асонли буйруғи билан «Этнопсихология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 2 мартдаги ПМ-3-асонли маълумотномаси). Натижада, таълим муассасалари амалиётчи психологлари фаолиятида илк ўспиринлар тасаввурида миллий мансубликнинг шаклланганлик даражасини прогнозлаш имкониятини такомиллаштиришга эришилган;

илк ўспиринлардаги ижтимоий тасаввурларни шахс шаклланишига таъсири натижасида қадриятларларнинг миллий-маданий, фаолият, ҳиссий-иродавий компонентга мувофиқ ўзгаришига кўра, миллий мансубликни рамзий белгилар асосида баҳолаш муҳимлиги далилланган илмий натижалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 2 мартдаги ПМ-3-асонли буйруғи билан «Ижтимоий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 2 мартдаги ПМ-3-асонли маълумотномаси). Натижада, Марказнинг амалиётчи психологлари илк ўспиринларда миллий мансубликка оид қарашлари самарадорлиги янада оширилди; амалиётчи психологларнинг илк ўспиринларда миллий мансубликнинг шаклланиш шарт-шароитлари ва механизмларини ривожлантиришга оид билимларини бойитиш имконияти пайдо бўлган;

илк ўспиринларнинг миллий мансублигини характерлашда ўзбек, тожик, рус миллати вакилларининг реал ва идеал «миллий Мен»и орасидаги ички зиддиятларни ижтимоий ролларнинг адаптив трансформацияси орқали уйғунлаштиришга мувофиқ, миллий тимсолларга ижтимоий роллар асосида

муносабат билдириш зарур эканлиги исботланган илмий маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 2 мартдаги ПМ-3-а-сонли буйруғи билан «Ижтимоий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 2 мартдаги П-М-3-а-сонли маълумотномаси). Натижада, аммалиётчи психолог мутахассисларни ўқувчилардаги ижтимоий ва миллий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларни аниқлаш ҳамда такомиллаштиришга эришилган;

илк ўспиринлардаги миллий ўзликни англаш жараёнига этник стереотипларнинг таъсири натижасида коммуникатив, иродавий, интеллектуал, эмоционал хусусиятларни терминал қадриятлар асосида семантик дифференциаллашуви туфайли миллий мансубликнинг ривожланишида гендер тафовутлар кузатилиши исботланган илмий маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 2 мартдаги ПМ-3-а-сонли буйруғи билан «Этнопсихология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 2 мартдаги ПМ-3-а-сонли маълумотномаси). Натижада Психология марказидаги лабораторияларнинг илмий-методик таъминотини бойитишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш нашр қилинган. Шулардан: Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 1 та услубий қўлланма.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар руйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурати, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ маълумотлар илмий жиҳатдан асосланган.

Диссертация «**Миллий мансублик хусусиятларининг назарий - психологик таҳлили**» - деб номланувчи биринчи боби икки параграфдан иборатдир. Мазкур бобнинг биринчи параграфи «Миллий мансублик

тушунчасининг назарий - психологик жихатдан асосланиши талқини» - деб номланади. Ушбу параграфда этнос ва миллийлик ҳамда миллий мансублик тушунчалари атрофлича таҳлил этилиб, мазмун-моҳияти очиб берилади. Бунда асосий эътибор шахс миллий мансублигининг ижтимоий мазмунга эга эканлигига қаратилади. Унда бир қатор тадқиқотлар таҳлил этилган бўлиб, мансублик турли назарий йўналиш вакиллари томонидан таклиф этилган талқини баён этилган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи «Шарқ алломалари, хориж ва Ўзбекистон психологлари тадқиқотларида миллий мансублик муаммоси» - деб номланган бўлиб, унда миллий мансублик муносабатларига доир қарашлар динамикаси ўз аксини топган. Хусусан, Шарқ мутафаккирлари А.Р.Беруний, З.М.Бобур, Амир Темур, А.Н.Фаробий ва бошқа алломаларнинг илмий-фалсафий қарашлари, хориж ва МДХ давлатлари психологларининг (А.Г.Асмолов, Л.Алипури, К.Вонтресс, Л.В.Выготский, Б.Джексон, В.П.Зинченко, У.Кросс, В.С.Крысько, М.Майкович, Дж. Марсиа, Дж.Мортен, Д.А.Леонтьев, Н.М.Лебедева, А.Р.Лурия, С.В.Лурье, Ю.П.Платонов, Э.А.Саракуев, Т.Г.Стефаненко, В.Ю.Хотинец, У.Холл, Р.Фрид, М.Шериф, Д.Эткинсон, Д.Сью, Дж.Финни, Г.Г.Шпет) ва ўзбек психолог олимларининг (З.Э. Абдурахмонов, Б.Ботиров, М.Г. Давлетшин, В.М.Каримова, М. Маматов, Н.С. Сафоев, Э.Ғ. Ғозиев,) муаммога доир ишларининг назарий таҳлили келтирилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби «**Илк ўспиринлик даврида миллий мансубликни тадқиқ этишнинг назарий методологик асосланиши**» - деб номланган бўлиб, унинг «Миллий мансубликни тадқиқ қилишнинг методологик тамойиллари ва ёндашувлари» - деб номланган параграфда Президентимиз асарлари асосида ҳамда маҳаллий ва хориж олимлари томонидан таклиф этилган ўзини ўзи англаш концепцияси нуқтайи назаридан, тарихийлик, тараққиёт (Б.Г.Ананьев, Л.С.Выготский, В.С.Мерлин, И.М.Сеченов, С.Л.Рубинштейн, И.И.Чеснокова, Е.В.Шорохова), шахс (В.С.Мерлин, К.К.Платонов, С.Л.Рубинштейн, И.И. Чеснокова ва ҳоказолар) ва тизимли (В.С. Мерлин ва ҳоказолар), когнитив(Г.М.Андреева, М.М.Маматов, Т.Г.Стефаненко, ва ҳоказолар) ёндашувлари тамойиллари таҳлил қилинади.

Диссертация ишининг иккинчи бобининг иккинчи параграфи «Миллий мансублик ва умр даврларида психик тараққиётнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш масалалари» - деб номланиб, ушбу параграфда миллий мансублик тараққиётининг бир қанча босқичлари устида тўхталиб ўтилади.

Диссертация ишининг иккинчи боби «Халқ оғзаки ижодиёти шахс миллий ўзлигини англашнинг баҳолаш воситаси сифатида» - деб номланган учинчи параграфда халқ оғзаки ижоди, хусусан, мақоллар ва унинг психологик жихатдан ёшларни ватанпарварлик руҳида ҳамда унинг ёрқин намунаси бўлган миллатга мансубликни англашда қулай ва самарали усул сифатида хизмат қилиши тўғрисида сўз юритилади.

Бунда миллий мансубликни баҳолаш усули сифатида семантик дифференциал тести қўлланилган. Ушбу тестда биз томонимиздан барча

миллат вакиллари учун халқ мақолларини қай даражада уларнинг миллатига хос эканлигини баҳолаши сўралган эди. Натижалар шуни кўрсатадики, илк ўспиринларнинг ушбу миллатга хос жиҳатларини баҳолашларида бир қатор яқин ва фарқ қилувчи кўрсаткичларни олишга эришилди. Мақоллар миллатнинг маънавий ва ахлоқий камолоти ҳамда халқ донологининг маҳсули бўлганлиги боис, улар миллий хусусиятларда қандай акс этиши мумкинлигини изоҳлаш учун хизмат қилади(1-жадвалга қаранг).

Шунингдек, мақолларнинг миллий хосликни баҳолашдаги илк ўспиринларнинг натижаларида «Ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога» (5.35), «Бир ёқадан бош чиқариб» (6.04), «Чумолига ҳам озор бермайди» (5.20), «Бош омон бўлса, дўппи топилади» (6,10), «Сабр қилиш энг яхши чора» (6.54) мақолларини ўзбек миллатига ўртачадан юқори ва юқори хослик тарзда баҳоладилар.

Ўз навбатида тожик миллати вакиллари «Сендан ҳаракат, мендан баракат» (6.48), «Кўз билан кўриб, қўл билан тутмоқ» (6.23) (аниқ далилларсиз хулоса чиқармаслик), «Бош омон бўлса, дўппи топилади» (саломатликни ва тинчликни қадрлаш) (6.01), «Битта гапдан қолмоқ» (6.01) (ортикча гапириш ёки низонинг оқибати яхшиликка олиб келмаслиги ёки танқид ҳар доим ҳам ижобий натижа бермаслиги), «Уй тор бўлса ҳам кўнгил кенг» бўлиши (бағрикенгликнинг яхши фазилат эканлиги), «Оз гапир, кўп иш қил» (6.35) (меҳнатни қуруқ гап билан бажариб бўлмаслиги), «Бир жон, бир тан бўлиб яшамок» (аҳилликда гап кўплиги), «Ўз уйим, ўлан тўшагим» (6.53) (оила ва ватанни улуғлаш) юқори даражада хос деб баҳоланган. Шунингдек, бир қатор мақолларни, яъни «Бир ёқадан бош чиқариш» (5.98), «Чумолига ҳам озор бермайди», «Санамай саккиз дема, тавба деб гапир» (5.71), «Жонни жабборга бермоқ» (5.21), «Маслаҳатли иш тарқамас» (5.68) ва бошқаларни ўртачадан юқори даражада ўз миллатига хос деб муносабат билдирганлар. Бу эса илк ўспиринларнинг ўз миллатига хос фазилатларни англаши ва уни улуғлаш иштиёқида эканликларидан гувоҳлик бермоқда.

Рус миллати вакиллари натижаларини бошқа миллат вакиллари натижалари билан таққосланганда кескин фарқлар кузатилмаган бўлса-да, энг ўзига хосликни «Кам гапир, кўп иш қил» (6.00), «Маслаҳатли иш (тўй) тарқамас» (6.0) мақоллари билан ифодалаганликларини кузатиш мумкин. Бу уларнинг миллий ўзига хосликда, меҳнаткашлилик, ўз ишига пухталиқ, ҳар бир ишни режали ва натижани олдиндан кўра билиш тамойилига асосланишлари муҳим эканлигини тахминлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида рус миллати меҳнатга сидқидилдан ёндашиши, уни сифатли бажариш ва кўзлаган мақсадга эришишга интилишидан далолат беради. Шунингдек, рус миллатидаги ўртадан юқори даражада хослик сифатида «Сендан ҳаракат, мендан баракат» (5.72), «Кўз билан кўриб, қўли билан тутмоқ» (5.18), «Санамай саккиз дема, тавба деб гапир» (5.54), «Тонгни тонг оттириб, кунни кун боттириб, тиним билмайди» (5.18), «Жой берганга жой бер, жон берганга жон бер» (5.81), «Уй тор бўлса ҳам кўнгил кенг» (5.54), «Бир жон, бир тан бўлиб яшамок» (5.59), «Ўз уйим ўлан тўшагим» (5.27) тарзда ифодалашга мақбул

бўлдилар. Бу эса уларнинг тасавурида рус миллатига хосликни баҳолашда ўзаро ҳурмат, ҳаракат натижасиз қолмаслиги, ўйламасдан гапиришнинг оқибати яхши бўлмаслиги, фаолиятни прогнозлаш, изланувчан, сени эъзозлаганга ҳурмат билан қараш, инсонийлик муносабатини кадрлаш, ҳамкорликда ишлашнинг муҳимлиги билан боғлай олганлар.

1-жадвал

**Илк ўспиринларнинг семантик дифференциал тести натижалари**

	Ўзбек		тожик		t	рус		t
	X±σ		X±σ			X±σ		
Таваккални бахтимдан кўрдим	6,15	1,79	5,15	2,04	- <b>3,16**</b>	3,40	2,15	1,63
Сендан ҳаракат, мендан баракат	6,60	,681	6,48	,24	,673	5,72	2,09	2,43
Ўзимдан чиққан балого, қайга борай давога	5,35	1,85	4,45	2,10	<b>2,61*</b>	4,09	2,38	<b>2,73*</b>
Кўз билан кўриб, қўли билан тутмоқ	5,56	1,58	6,23	1,35	-2,46	5,18	2,10	1,13
Бош омон бўлса, дўппи топилар	6,10	1,544	6,01	1,61	0,329	4,59	2,17	<b>3,54**</b>
Тонгни тонг оттириб, кунни кун боттириб, тиним билмайди	5,37	1,5	4,95	2,11	1,40	5,18	1,68	1,46
Жой берганга жой бер, жон берганга жон бер	5,95	1,314	5,71	1,92	0,787	5,81	1,81	0,86
Сабр қилиш энг яхши чора	5,92	1,41	5,76	1,86	0,515	4,90	1,94	<b>3,10**</b>
Уй тор бўлса ҳам кўнгил кенг	6,15	1,34	6,31	1,28	-0,697	5,54	1,94	1,95
Ўз уйим ўлан тўшагим	6,54	1,11	6,53	1,20	,071	5,27	2,11	<b>3,54***</b>

\*\*\* $p \leq 0.001$ ; \*\*  $p \leq 0.01$ ; \*  $p \leq 0.05$

Демак, ушбу мақоллар илк ўспиринларнинг дунёқараши ва тасавурларида етакчи ўрин олган экан, улар ҳаётий масалаларда ушбу мақолларга амал қилишлари ҳамда миллатга хос жиҳатларни акс эттиришлари шубҳасиз.

Диссертациянинг учинчи боби «**Илк ўспиринларда миллий мансубликнинг этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида олинган эмпирик натижалар таҳлили**» - деб номланади. Бобнинг «Илк ўспиринларнинг ўзига бўлган муносабатларидаги ижтимоий-психологик хусусиятлари таҳлили» номли биринчи параграфиди тадқиқотнинг бош мақсади илк ўспиринларнинг миллий мансублигини ижтимоий психологик, этнопсихологик хусусиятларини ўрганишга қаратилганлиги сабабли, муаммонинг ўрганиш натижаларини таҳлил этишда шахснинг ўзига бўлган муносабатларининг ижтимоий-психологик жиҳатларига мурожаат қилдик.

Бизнинг тадқиқотимизда ушбу мазмундаги изланишни «Шахснинг ўзини ўзи камол топтиришни баҳолаш» методикасидан фойдаланишни лозим топдик. Ҳар бир миллат вакиллари натижаларидаги ички муносабатларни, улар орасидаги алоқадорликни ёритишга эътиборимизни қаратдик.

Ўзбек миллати вакиллари фаоллик даражалари орасидаги ўзаро муносабатларнинг корреляцион кўрсаткичлари акс этган бўлиб, унга кўра ушбу миллат вакиллари «Замон билан ҳамоҳанглиги» «Кўллаб-қувватлаш» шкаласи билан ( $r=-0,436$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Спонтантлик» билан ( $r=0,211$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Синергия» ( $r=0,335$ ;  $p\leq 0,01$ ) ва «Билишга эҳтиёж» билан ( $r=0,175$ ;  $p\leq 0,05$ ) корреляцион муносабатни акс эттирган. Корреляцион қийматлар ўзбек миллати вакиллари хатти-ҳаракатларда эҳтиёткорликлари, воқелик ва инсонларни адекват идрок этишга қобилиятлиликлари, инсон ва атроф олам ҳақидаги билимларни олишга хайрихоҳ эканликлари ва уларнинг шахс ривожланишининг даврий уйғунлигини таъминлашга қобилиятлиликларини билдирган бир шароитда, уларга таянч, қолаверса, кўллаб-қувватлаш зарурлиги, уларни мустақил фаолиятга ўргатишга эҳтиёжманд эканлигини билдирмоқда.

Уларнинг «Кўллаб-қувватлаш» шкаласи натижалари «Қадриятларга йўналганлик» ( $r=0,418$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Хулқ-атворнинг мослашувчанлиги» ( $r=0,475$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Сензитивлик» ( $r=0,490$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Спонтантлик» ( $r=0,444$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Ўзини ўзи ҳурматлаш» ( $r=0,332$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Ўзини ўзи қабул қилиш» ( $r=0,604$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Инсон тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш» ( $r=0,267$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Мулоқотмандлик» ( $r=0,415$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Креативлик» ( $r=0,198$ ;  $p\leq 0,05$ ) орасида ижобий корреляцион алоқадорлик кузатилди. Натижалардан кўринадик, этносимиздаги фарзандларни тарбия муҳотида катталарнинг таъсир ролини эътироф этган ҳолда ёшларда ўзларига ишонч туйғусини, комформликдан йироқ бўлишга ва мустақилликни шаклланиш анъанасини шакллантириш лозим эканлигини билдирмоқда. Агар кўллаб-қувватлаш мезонларига мос тарзда ўсишга эришилса, илк ўспиринларнинг қадриятларни фарқлаш ва ўз-ўзини фаоллигини оширишга, вазиятларга нисбатан сезгирлик, ўз қадр-қимматини улуғлаш, инсон тўғрисидаги билим ва тасаввурларини кенгайтириш, мулоқотмандликнинг ортиши ва ижодкорлик имкониятларининг ўсишига сабаб бўлиши мумкин экан.

Ўз навбатида респондентларнинг «Қадриятларга йўналганлик» кўрсаткичлари «Хулқ-атворнинг мослашувчанлиги» ( $r=0,198$ ;  $p\leq 0,05$ ), «Сензитивлик» ( $r=0,371$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Спонтантлик» ( $r=0,385$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Ўзини ўзи ҳурматлаш» ( $r=0,430$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Инсон табиати тўғрисидаги тасаввурлар» ( $r=0,285$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Билишга эҳтиёж» ( $r=0,215$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Креативлик» ( $r=0,169$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан корреляцион боғлиқликни намоён этди. Бундан кўринадик, илк ўспиринларда қадриятлар йўналганлигини тўғри тарбиялаш миллий мансублик учун ижобий кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштиришига сабаб бўлиши, ҳаётга ва вазиятларга мослашувчанликни, ғайриижтимоий одатларни қабул қилмасликлари, билишга ва яратувчанликка хайрихоҳликларининг ортишига олиб келар экан.

Тоҷик миллати вакилларида ҳам ўзбек миллати илк ўспиринлари сингари «Кўллаб-қувватлаш»нинг ўсиши ўз навбатида «Қадриятларга йўналганлик» ( $r=0,498$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Хулқ-атворнинг мослашувчанлиги» ( $r=0,426$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Сензитивлик» ( $r=0,431$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Ўзини ўзи ҳурматлаш» ( $r=0,390$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Спонтантлик» ( $r=0,232$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Ўзини ўзи қабул қилиш» ( $r=0,420$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Инсон тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш» ( $r=0,266$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Мулоқотмандлик» ( $r=0,45$ ;  $p\leq 0,01$ ) да ўсишга олиб келишини ҳис эта олганлар. Демак, бу жиҳатдан икки миллат вакиллари натижалари орасида яқинлик бор. Бу эса маданий ва миллий ривожланишда ушбу этносга хос жиҳатларнинг кўп кузатилиши ёшларнинг тасавурида ҳам ўрин олаётганлигини кўрсатади.

Яна уларнинг «Қадриятларга йўналганлик» кўрсаткичлари «Сензитивлик» ( $r=0,313$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Спонтантлик» ( $r=0,180$ ;  $p\leq 0,05$ ), «Ўзини ўзи ҳурматлаш» ( $r=0,518$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Инсон табиати тўғрисидаги тасаввурлар» ( $r=0,383$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Синергия» ( $r=0,146$ ;  $p\leq 0,05$ ), «Мулоқотмандлик» ( $r=0,147$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Креативлик» ( $r=0,264$ ;  $p\leq 0,01$ ) билан корреляцион боғлиқланиш ҳосил қилган. Бу эса тадқиқотимизда миллий ва маданий ривожланиш муҳити бир – бирига яқин бўлган миллатлардаги қадриятлар, воқеликка муносабати ва идрокида бир-бирига яқинлик бўлиши ҳақидаги тахминимизни тасдиқламоқда.

Тоҷик миллати вакиллари юқоридаги фикримизнинг узвий давоми сифатида натижаларида ўзбек миллати вакилларидаги сингари ўхшашликни намён этишларини гувоҳи бўлишимиз, «Хулқ-атворнинг мослашувчанлиги» бўйича илк ўспиринлардаги ўсишга эришиш «Сензитивлик» ( $r=0,200$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Спонтантлик» ( $r=0,327$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Ўзини ўзи ҳурматлаш» ( $r=0,283$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Мулоқотмандлик» ( $r=0,426$ ;  $p\leq 0,01$ ) шкаллари билан корреляцион боғланишларида ўз аксини топди. Ушбу миллат вакилларидаги «Сензитивлик» ( $r=0,284$ ;  $r=0,196$ ;  $r=0,303$ ;  $r=0,157$ ;  $p\leq 0,01$  ва  $p\leq 0,05$ ); «Спонтантлик» ( $r=0,169$ ;  $r=0,256$ ;  $r=0,150$ ;  $p\leq 0,01$  ва  $p\leq 0,05$ ); «Ўзини ўзи ҳурматлаш» ( $r=0,162$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $r=0,170$ ;  $p\leq 0,05$ ), «Ўз-ўзини қабул қилиш» ( $r=0,401$ ;  $p\leq 0,01$ ;  $r=0,298$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Инсон табиати тўғрисидаги тасаввурлар» ( $r=0,306$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Синергия» ( $r=0,171$ ;  $p\leq 0,05$ ), «Тажовузкорликка мойиллик» ( $r=0,223$ ;  $p\leq 0,01$ ;  $r=-0,180$ ;  $p\leq 0,05$ ), «Билишга эҳтиёж» ( $r=0,165$ ;  $p\leq 0,05$ ) шкалларида ҳам корреляцион боғланиш ҳосил қилганликлари кузатилди.

Рус миллати вакилларидаги умумий натижаларидаги уларда шахснинг психик камолотида замон билан ҳамоҳангликнинг устунлиги ўзбек ва тоҷик тенгдошларидан фарқли тарзда «Кўллаб-қувватлаш» шкаллари билан ҳам ўзаро тўғри ижобий корреляцион боғлиқликни акс эттирганликларида кузатилди: ( $r=0,420$ ;  $p\leq 0,01$ ). Ушбу шкала бошқа шкаллалар билан ҳеч қандай аҳамиятга эга боғланишни акс эттирмади. Ўз навбатида, рус миллатига мансуб илк ўспиринларда «Кўллаб-қувватлаш» шкаллари «Қадриятларга йўналганлик» ( $r=0,468$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Хулқ-атворнинг мослашувчанлиги» ( $r=0,460$ ;  $p\leq 0,01$ ), «Ўзини ўзи ҳурматлаш» ( $r=0,335$ ;  $p\leq 0,05$ ), «Ўзини ўзи қабул қилиш» ( $r=0,345$ ;  $p\leq 0,05$ ) ҳамда «Мулоқотмандлик» ( $r=0,344$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан ижобий боғланишлар ҳосил қилган. Бундан кўринадики, рус миллати вакилларидаги бола тарбиясида мустақиллик, ота-она ушбу миллат учун аҳамиятли қадриятларни ўзига

сингдириш билан бир қаторда вазиятларга мослашувчанлик, шарт-шароитларни тез ўзгартира олиши, ўзини ўзи ҳурматлаши, ўзидаги фазилатларни қадрлаши, фазилат ва камчиликларга нисбатан холисликни таркиб топишига хайрхоҳлиги ҳамда ижтимоий муносабатларга киришимлиликни камол топишида ўз аксини топишини ҳисобга олишидан далолат бермоқда.

Юқоридаги талқин миллий мансубликда илк ўспиринларнинг ижтимоий фаоллиги билан боғлиқ масалалар бир минтақавий доирада яшаётган турли миллат вакиллари орасидаги фарқларни ўрганишда кескин тафовутларни акс эттирмаслиги мумкин. Аксинча, муаммони минтақавий жиҳати турли миллий муҳитда яшайдиган миллат вакиллари мисолида ўрганиш уларнинг этник ва этнопсихологиясига хос анча фарқли натижаларни қўлга киритишга имкон бериши мумкин.

Диссертация ишининг «Илк ўспиринлар тасаввурида миллий мансублик тимсолларининг ижтимоий психологик хусусиятлари» - деб номланган учинчи бобнинг иккинчи параграфидида илк ўспиринларнинг тасаввурларидаги тимсоллар ва ижтимоий роллари ўрнини аниқлаш мақсадида Куннинг «Мен кимман?» проектив тестини татбиқ этдик. Ушбу проектив методиканинг татбиқ этиш шартлари ва унинг натижаларини баён этиш тартибидан келиб чиқиб, респондентларнинг ижтимоий ролларини асосий баҳолаш мезонига эътибор қаратилди. Мазкур тадқиқотимиз натижаларини ёритиш орқали миллий мансублик илк ўспиринларнинг шахс проекциясида қандай акс этганлигини ўргандик. Методиканинг шартига кўра респондентларнинг уч хил даражадаги муносабатлари аниқланди.

Тадқиқотимизда илк ўспиринларнинг миллий мансублигини характерлашда ижтимоий роллар тақсимоотида фарзандлик роли алоҳида ўринга эга бўлди. Шунингдек, ўзбек миллатидаги болажонлик илк ўспиринлар жавобларидаги ака-укалик роллари билан ажралиб туришида акс этди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, респондентларимизнинг (илк ўспиринларнинг) «Мен кимман?» тести бўйича натижаларида ўзбек, тожик, рус миллатларига мансубликларида етакчи ижтимоий роль сифатида фарзандлик роли ўзларини ижтимоий муносабатлардаги асосий роллари, яъни фарзанд эканликларини эътироф этганликларининг гувоҳи бўлдик (2-жадвалга қаранг).

Илк ўспиринларнинг кўрсаткичлари улар қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар бир хил ижтимоий ролларини аҳамиятли баҳоладилар.

Ўрта даражада мансублик натижаларида илк ўспиринлар ўзларини ўқувчи, дўст, набира, инсон, шахс, касб-хунар эгаси сифатидаги баҳолари бир мунча аҳамиятли ижтимоий роль сифатида эътироф этилган.

Бундан кўринадики, илк ўспиринлар ўртача мансублик даражасида бўлган ҳолларда ҳам ижтимоий ролларни ўзларининг «реал Мен»ида гавдаланган ҳолатларини инобатга олиб муносабат билдирганлар.

Шунингдек, кучсиз тоифадан ўрин олган илк ўспиринларда дўстликни етакчи ижтимоий роль сифатида ифодалаганликлари деярли барча миллат вакилларида кузатилди. Бу ҳолатни уларнинг миллий мансублиги эмас, балки шахсининг психологик типологиясига боғлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатни



асослаш учун икки хил тахминни илгари суриш мумкин: биринчиси, экстраверт шахслар ўзларига тез дўст ортира оладилар, янги танишлар орттиришга мойиллиги билан боғлаш; иккинчиси, интроверт типдагилар ўзларига дўстлар ва янги танишлар орттиришга қобилиятли бўлмасалар-да, аммо дўстлик қоидаларига ва уларни қадрлашга мойилдирлар. Аксинча, респондентларнинг кучсиз тоифага дахлдорлиги - интроверт типдагилари дўстликни етакчи ижтимоий роль деб баҳолаган дейишимиз мумкин. Деярли тадқиқотимизда таажжубга солган ҳолат респондентларнинг ўзларини миллий мансублиги, яъни мен ўзбек, тожик ёки русман дея ифодалашларида кўзга ташланадиган натижалар кузатилмади.

## 2-жадвал

### Илк ўспиринларнинг ижтимоий роллари тақсимооти

№	Ижтимоий Роллар	Кучли					
		Ўзбек		Тожик		Рус	
		Ўғил болалар	Қизлар	Ўғил болалар	Қизлар	Ўғил болалар	Қизлар
1.	Фарзанд	69	40	19	15	25	3
2.	Ука	31		4		1	
3.	Ака	37		12		3	
4.	Опа		32		14		4
5.	Сингил		12		7		3
6.	Ўқувчи	47	37	21	14	3	6
7.	Дўст	7	9	10	4	2	2
8.	Йигит	4		18		4	
9.	Қиз		27		17		9
10.	Фуқаро	13	8	3	1	1	
11.	Аллоҳ бандаси	1		1	8		1
12.	Миллат (ўзбек, тожик, рус)	2	3	2		1	
13.	Қобилият, касб-хунар эгаси	4	1	3	1		1
14.	Ўзбекистон келажаги	2	1				
15.	Инсон, шахс	6	8	14	8		3
16.	Набира		14	3	7		3

Диссертация ишининг «Илк ўспиринларнинг миллий мансубликка бўлган муносабатларини эмпирик ўрганиш натижалари» - деб номланган учинчи бобнинг иккинчи параграфиди респондентларнинг бевосита англамаган фаолиятларида миллий мансубликка доир қандай аломатларни аниқлаш мақсадида навбатдаги проектив методикадан фойдаландик. Натижаларни қайта ишлашда маъноли гуруҳдаги белгиларнинг қўлланилганлиги ва уларнинг ранг кўрсаткичларини инобатга олдик.

Тадқиқотимизда ҳар уч миллат вакилларида ўзига хос натижаларни олиш билан бир қаторда уларнинг бир хил маъноли гуруҳларни танлаганликларининг ҳам гувоҳи бўлдик. Уларнинг натижалари таҳлил этилганда энг кўп етакчи маъноли символлар сифатида миллий-маданий рамзлар (ўзбек: 291, тожиклар: 322 ва руслар: 25) ҳамда таом ва яхна ичимликлар (ўзбек: 220, тожиклар: 217 ва руслар: 19) ифодаланган. Бундан кўринадики, этносга доир маъноли символлар гуруҳини келтиришда илк ўспиринлар ўзларининг ёш хусусиятлари ҳамда катта ёшдагиларнинг таъриф ва тасдиқларига таянишларини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Ўзбек миллатига мансуб илк ўспиринлар миллий рамзлар сифатида бешик, ўзбек миллий мусиқа асбоблари, мамлакат худудида етиштириладиган ўсимликлар ва тарихий обидаларнинг ўрнини юқори баҳолаш билан чекланганлар. Техник жиҳатдан ёндашилган рамзлар сифатида бугунги кундаги туйғулар таъсирини эътибордан четда қолдирмаганлар, яъни уларнинг туйғуларида ўзбек миллий маданиятининг бугунги ютуғи автомобиллар билан уйғунлаштирилган.

